



АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСIIY ВА ҲУҚУҚIIY ГАЗЕТАСИ

Газета 1995 йил
22 февралдан чиқа бошлаган
2003 йил
22 август
№ 32-33
(424)
ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ
ЖУМА КҮНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда эркин нархда

Ҳуқуқий ислохот

АССОСИЙ ПЕЗОН-ОДИТЛИК

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида Юрбтошимиз Ислам Каримов суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят қонунчилигини инсонпарварлик, адолатпарварлик, ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойилларига мос равишда либераллаштириш масалалари ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Сессияда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят— процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. У суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида қўйилган муҳим қадам дея эътироф этилмоқда. Биз жиноий ишлар бўйича Андижон вилоят судининг раиси Ёқубжон ЖАЛОЛОВ билан учрашиб, мазкур сессиядан кейин ўтган бир йилдан ортиқ муддат ичида қонунни амалга ошириш бўйича қилинган ишлар ҳақида сўхбатлашдик.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан мазкур Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган катта ислохотларнинг манқияти давомидир, — дейди Ёқубжон ЖАЛОЛОВ. — Ушбу ҳужжат ўтган бир йилдан ортиқ муддат ичида умуминсоний қадриятларга, ҳалқимизнинг тарихий анъаналарига асосланганлиги, бағрикенглик ва инсонпарварлиқни ўзидан муҳасса этганини исботлади. Жиноятларни таснифлашнинг ўзгаририлиши ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида судланганлар сони бирмунча пасайди. Аниқроғи, вилоятимизда 2002 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 21 фоизга камайди.

Ижтимоий ҳаётда катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тўғрисида қўйилган судлар томонидан айбдорларга қамқов ва озоқликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди. Натижада жазо тайинлаш амалиётида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Бунини вилоятимиз микросида таҳлил қилсак, 2001 йилнинг биринчи ярмида озоқликдан маҳрум қилиш жазосига ҳам қўйилганлар умумий судланганлар сонининг 52,6 фоизини ташкил қилган бўлса, 2003 йилнинг биринчи ярмида судланганларнинг атиги 39,1 фоизини ташкил қилди. Озоқликдан маҳрум қилишга боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш микдори эса кескин ортди. Яъни, 2001 йилнинг биринчи ярмида судланганларнинг 47,4 фоизига озоқликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган бўлса, 2003 йилнинг шу даврида судланганларнинг 60,9 фоизига озоқликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

— Жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят қилган шахсларга нисбатан иқтисодий таъдир чораларини қўллаш кенгайтирилди. Мана шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Жиноят қонунчилигининг бешта моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда айбдорга нисбатан озоқликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаслик ҳақидаги нормалар киритилди. Эндиликда бу талаб Жиноят қонунчилигининг 12 та моддасида ўз аксини топди. Жиноят қонунчилигининг 43-моддасида ақс этган жарима жазо турининг амалиётида қўлланилиши кескин қўлайди. Вилоятимизда 2001 йилнинг биринчи ярмида судланганларнинг 4,4 фоизига жарима жазоси қўйилган бўлса, 2003 йилнинг шу даврида бу жазо судланганларнинг 11,7 фоизига нисбатан қўлланилди.

— Мазкур қонун Конституцияимизнинг 53-моддасида мустақамлаб қўйилган ҳусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида ҳам дадил қадам бўлди. Шундай эмасми?

— Ҳа, Жиноят қонунчилигининг 43-моддаси.

Мен учун байрамлар ичида энг ахшир Мустақиллик кунин. Нега дейсизми? Чунки мен истиқлолга тенгдошман.

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИМАН

Уйимизга келган меҳмонларнинг ақсарияти дастурхон атрофида мустақиллик, эрқ, Ватан ҳақида сўз айтишаркан кўнглимда илик туйғулари уйғонади. Ҳар туйғулари кўнглимда илқ, истиқлол ҳақида шеър айтиб бериш одатга айланган.

Ватан — муқаддас макан. Унга муносиб фарзанд бўлиш эса шараф. Ватан, мустақиллик, эрқ, истиқлол ҳақида иқидий ишларни тўқинданиб, жўшиб ёзмам. Чунки Ўзбекистон онам меннинг. Аслида Ватани онм дейишадими-ку!

Келахатда ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Ҳозирча ўқувчиман. Орауларимга эришиб йўлида албатта олға интиладман. Бобом, бузим, отам, онам, ўқитувчиларим, қолаверса, Ватан ишончини оқлашим керак. Мен мустақиллик фарзандиман. Уни кўз қорачигимдай асрайман. Азиз тенгдошим! Бахтли болалик, тинчлик, озоқлик, ҳурлик инъом этган мустақил Ватан олдидаги бурни мазидир бу.

Муҳлик МУЗАФФАРОВ, Бухоро туманидаги 17-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза-сонида баён этилган устувор асослар ва қондларнинг амалга оширилиши бўйича таҳлилий-маърифий тадбирлар Дастури доирасида "Суд-ҳуқуқ ислохоти ва прокурор назоратини такомиллаштириш муаммолари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинар ишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Де-вони масъул ходимлари, Республика Олий суди, Олий ҳужалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, олим ва муҳассислар иштирок этидилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Буритовш Мустафоев бошқарган ушбу семинарда муҳасса қилинган масала бўйича мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохоти, давлат органлари тизимида қонунларни аниқ

ва бир жила бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган — прокуратуранинг тугган ўрни, ҳозирги даврда прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш, унинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини ўз вақтида хабардор қилишни таъминлаштириш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳусусида таҳлил ва мулохазалар билдирилди. Семинар иштирокчилари томонидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш, бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш учун прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосини — тегишли қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди. Билдирилган фикр ва тақлифларда прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш мақсадида: — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси

Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессияси олдидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг мажлиси ўтказилди.

СЕССИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Қўмита аъзолари Олий Мажлисининг бўлажак ўн иккинчи сессияси муҳокамасига қиритилаётган масалалар ҳусусида фикр алмашган, қўмита раиси Ақмал Саидов Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан биргаликда тайёралиб, парламент сессиясига иккинчи ўқишда тақдим қилинаётган янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги Қонунга қиритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳақида ахборот берди.

Иккинчи ўқишда парламент муҳокамасига қиритилаётган "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини йиғилишдаги эътиборга ҳавола қилди. Мазкур қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганлиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоат фондларининг вакиллари иштирокида бир неча бор муҳокама қилинганлиги, лойиҳа юзасидан жамоатчиликдан 500 дан зиёд тақлиф ва мулохазалар келиб тушганилиги алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, қўмита аъзолари 2003 йил "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар тайёрланганлиги ҳусусидаги ахборотни тингладилар. Мазкур Қонунга қўмита томонидан тайёрланган ўзгаришлар ва қўшимчалар қўзғин муҳокама қилиниб, тақлиф ва мулохазалар билдирилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Султоновнинг "Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг республикада бажарилиши ҳусусидаги ахбороти тинланди.

Йиғилишда нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликнинг янада самарали ишлаши учун Қорақалпоғистон Республикаси доирасида бир қатор ташкилий ҳуқуқий ишларни амалга ошириш, тегишли қонунлар тарғиботини қўлайтириш бўйича муайян чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда изчил таътиб этиш зарурлиги таъкидланди.

"Туркистон-пресс"

Олий Мажлисининг бўлажак сессияси олдидан МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ



15 август кунини Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг парламентдаги депутатлар фракцияси аъзолари билан партия фаоллари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгашининг биринчи қотиби, партиянинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси раҳбари, академик Турғунпўлат Даминов бошқарди.

Йиғилишда "Адолат" СДПнинг парламентдаги депутатлар фракцияси ва Сийёсий Кенгаш аъзолари, партия фаоллари иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси кун тартибига қиритилган масалаларни батафсил муҳокама қилдилар. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши биринчи қотиби, академик Турғунпўлат Даминов мазкур муҳим масалалар юзасидан маъруза қилди.

— Ҳабарингиз бор, шу йил 29 августда иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз иштини бошлайди, — деди у. — Олий Мажлисининг ҳар бир сессияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бу алғи сессия ҳам бундан мустасно эмас. Чунки сессия кун тартибига қиритилган масалалар ўзининг аҳамияти ва долзарблиги билан, Ўзбекистонни тараққий этишида тугган ўрни ва мазмунини жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак сессиянинг яна бир жиҳати шундан иборатки: у муқаддас байрамимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн икки йиллик байрами арафасида ўтади. Бу Олий Мажлисининг барча депутатлари, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламентдаги депутатлар фракцияси аъзолари ҳам юксак масъулият юклайди. Сессия кун тартибига йи-

гирмага яқин масалалар қиритилган. Шу масалалар қаторида, мен алоҳида тўхталиб ўтмоқчи бўлган масала — бу янги тахрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайлов тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси.

Биринчи қонун сессияси муҳокамасига иккинчи ўқишда қиритилмоқда. Биз бу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда аввалги сессия муҳокамасига қиритилганда ўз тақлиф мулохазаларимизни берган эдик. Шунга қарамадан бу сафар ҳам ушбу қонун лойиҳасини жиддий тарзда муҳокама қилиб, фракция номидан тақлифларимизни беришимиз лозим. Фракция тақлифларини ишлаб чиқиш борасида биз қуйидаги принципларга амал қилдик.

Президентимиз Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида қилган сермизмиз маърузаларида сайловга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътиборимизни жалб қилди. Дарҳақиқат, жамиятимизни ривожлантиришда, замон олдимизга қўйётган вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Юрбтошимиз таъкидлагани

дек, "Қонунчилик палатасига партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланиши, бугунги кунда фаолият юритаётган партияларнинг, шунингдек, нодавлат, жамоатчилик ва фуқаролик институтлари, бирлаша ва ташкилотларнинг жамият амалий ҳаётидаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан қўлайтириш учун зарур шарт-шароит яратди". Бундан ташқари, жаҳон парламентаризми ҳамда икки палатали тизим жорий этилган мамлакатлар таърибаси кўрсатганидек, сайлов тизимини аралаш ҳусусиятга эга, яъни, пропорционал-мажоритар сайлов тизими амал қилади. Шунинг учун биз фракцияимиз номидан янги тахрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун лойиҳасига қуйидаги тақлифларни қиритасан мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Оқруғ ва участка сайлов комиссияларини шакллантиришда сийёсий партиялар ҳам иштирок этиши кунунда назарда тутилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси бешинчи қисмида мустақамланганидек, "сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади". Шундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаймики, қонун лойиҳасининг 55-моддаси 2-қисмидаги "Сенат аъзоларини сайлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқиладиган таъкидланди", деган сўзлар чакрилиб, мазкур қонун лойиҳаси матидада Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида ўз аксини топди.

3. Қонун лойиҳасининг 27-моддаси 4-қисми қуйидаги қоида билан тўлдирилсин: "Ташвиқот олиб боришда бошқа номзодларни ҳақоратлаш, бошқа номзодларни камситувчи ёки улар ҳақида бўхтон маълумотлар тарқатиш тақиқланади". Бу тақлифлар замирида қўлпартиявийлик шароитида сийёсий партияларнинг жамиятдаги ролини ошириш, шунингдек, уларнинг жамиятдаги ўрнига мувофиқ равишда Олий Мажлисининг доимий асосида ишловчи палатасида вакилликни таъминлаш масаласи ётади. Уйлашимизки, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов пропорционал тизим асосида амалга оширилган ҳамда сийёсий партияларнинг вакиллари сайлов комиссияларида иш олиб бора, ҳам қўлпартиявийлик принципларига, ҳам ошқоралик ва очиклик принципларига амал қилинган бўлади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ИҚБОЛИ КЎЛГАН



Истиқлол йилларида Тошкент вилояти шаҳар-қишлоқларида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шу туфайли ҳам кейинги пайтда инсон хотирасида ўчмас ўз қолдирадиган кўнгилочар масканлар, ўнлаб маъмурий бинолар, йўл ва кўприklar, обод, сервайз бозорлар, мактаблар, болалар, шифохоналар, хийбонлар барпо этилди.

Ҳозир вилоятнинг қаерига борманг, қай бир туманига ташриф буорманг қилинаётган эзгу ишлардан кўнглингиз тайрайди, дилингиз қувнайди. Бу борада Қуйи Чирчиқ туманида олиб борилаётган бунёдкорлик айнақса диққатга сазовор.



— Қуйи Чирчиқ ерлари Оққўрғон тумани билан чегаралаш, — дейди туман ҳокими Руслан Холматов. — Со-вик шўролар даврида туманларимиз бир неча бор қўшилиб, бир неча бор ажратилган. Қўшилган пайтда марказ асосан Оққўрғонда бўлган. Шу сабаб-ли ҳам маданий-маиший, маъмурий

бинолар асосан Оққўрғонда барпо этилган. Қуйи Чирчиқ тумани маркази эса назардан четда қолган. Шу сабаб-ли ҳам ақин-ақилларга ҳам эга эмасдик.

Истиқлол шароитида туфайли вилоят ҳокимлиги туман марказларини ободонлаштиришга кенг имконият-лар яратиб берди. Ҳўжалиklar маб-лағлари ҳисобидан ва хашар усули билан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги бир-икки йил ичида туманда бўлмаган киши Дўстобод ва ҳўжалиklar марказлари гўзаллашиб, ўзгача қиёфа касб этганининг гу-



воҳи бўлиши мумкин. Чунки сўнгги пайт-да туман маркази яна чирой очди. Янги-янги бинолар қурилади, кўприklar солинди, дам олиш масканлари, спорт-соғломлаштириш комплекслари, ўқув юртлари қад ростлади. Хийбонлар бар-по этилди.

(Давоми 2-бетда).

Яқинда "Халқлар дўстлиги" саройи ҳақиқий байромига тус олди. Санъатсевар томошабинлару танловчи байрам — ҳаммининг дилида бир туйғу — Ватанга меҳр-муҳаббат, уни фахр билан қўйлаш туйғуси жўш уриб турарди.

ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

Концертта ташриф буорган шинавандаларнинг муродлари ҳосил бўлди: саҳнада миллий кўтаринчи руҳдаги жозибали, дилларга ором бағишловчи, бахтли келахатга умид уйғутувчи тароналар янгради. Дилбар қўшиқларга мос гўзал рақслар томошабинларга кўзур бағишланди.

"Ўзбекистон қўшиқ байрами" талови якунларига Бағишланган бу таъд концерда қўшиқларни тақдирлаш маросими бўлди.

Биринчи ўрин Бердак номидаги Қорақалпоғистон давлат университетининг бадиий жамоаси иқросидаги "Ўзбекистон — танимда жоним" (Ол-тўсбой Султонов шеъри, Қодир Хилолов мусикаси) ва Са-марқанд вилояти Сиеб туманида Насиба Музахоидова иқросидаги "Ўзбекистон" (Неъмат Бобоҷонов шеъри, Мамажон Навоёв мусикаси) қўшиқларига берилди.

Қамолдин Раҳматовнинг "Жон Ватаним" (И.Жиянов

шеъри, Ш.Дадажонов мусикаси), Ситора Орипованин "Эй кўзлари ҳуморим" (халқ сўзи, Р.Муминова мусикаси), Наргиза Худойназарованин "Ўзбекистоним" (С.Тўйчиева шеъри, О.Худойназаров мусикаси) қўшиқлари иккинчи ўринни эгаллади.

Учинчи ўрин Қашқадарё вилоят ашула ва рақс жамоаси ("Юрт ҳақида", сирдарёлик Баҳодир Ҳўжақулов ("Йилмун ўзинг") ва Ўзбекистон Миллий университети жамоаларига ("Ватан абади") насиб этди. Тошкент шаҳридаги 286-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Нодирбек Зоитов "Мен бахтининг парвозиман" (Махмуд То-иров шеъри, Баҳодир Зоиров мусикаси) қўшиғи учун рағбатлантирувчи муқофотга сазовор бўлди. Хонандалар Ш.Одило-ва, А.Кенжаев ва Б.Раҳмонов-лар рағбатлантирувчи муқо-фотлар билан тақдирландилар.

Гулчехра УМАРОВА.

ПОЙТАХТ КЎЧАЛАРИ БЕЗАТИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси Беэаш ишлаб чиқариш корхонаси пойтахт-миз кўчаларида Мустақиллик байрамидан дарак берувчи панно ва плакатларни ўрнатишни бошлади. Ҳуртимизда нишонланадиган истиқлол байрами ара-фасида кенг миқёсдаги тад-бирлар режаси ишлаб чиқил-ди. Айнан пойтахтимиздаги кўчалар, истироҳат боғлари, майдонлар хийбонларни бе-зааш ҳам ушбу тадбирлар ре-жасига кирган. Маълумотлар-га қараганда, Тошкент ша-ҳрининг етти минг квадрат метр жойида турли беэаш ишлари олиб борилади. Бу ишни амалга ошириш асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бош бош-қармаси Беэаш ишлаб чиқа-риш корхонаси зиммасига юклатилган. Айни кўнларда корхона жамоаси 3,5 минг квадрат метр жойда байрам

"Туркистон-пресс"

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)
Нотик алоҳида эътироф этганидек, мамлакатимиз парламенти бўлажак икки палатали Олий Мажлис учун ҳуқуқий асослар яратиш борасида кенг қўлдан ишларни амалга оширмакда. Сессия кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонун лойиҳалари бунинг ёрқин далилидир.



—Фракциямиз аъзолари парламент сессияси муҳофазасига иккинчи ўқишда киритилган "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Банк сирини тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини маъқуллайдилар, — дейди "Адолат" СДП Сийбей Кенгаши биринчи қотиби Тўғрўнкул Даминов ўз сўзларини аяқлар экан. — Шу билан бирга фракциямиз аъзолари сессия кун тартибига қўйилган бошқа масалалар муҳофазасида ҳам фаол иштирок этишадилар, деган умиддам.

Шу билан бирга кенгайтирилган йиғилишда партиянинг долзарб вазифалари ҳақида ҳам фикр юритилди. Партия Сийбей Кенгаши қотиби Раҳимов Хайдаровнинг "Ўзбекистон парламентининг икки палатали тизимга ўтиш жараёнида" Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг фаолияти тўғрисида" қилган маърузасида бу борадаги ишлар батафсил кўрсатиб берилди.

—Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов иккинчи қақариқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясидаги нутқида, — деди маърузачи, — республика парламентининг икки палатали қилиб шаклланиши жамиятимизни демократлашдаги муҳим қадам эканлигини таъкидлаб шундай деган эдилар: "Ишончим комилки, депутатларнинг Қонунчилик палатасига партиялар томонидан тақ-

дим этилган номзодлар асосида ва ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланиши, бугунги кунда фаолият қўйишнинг партияларнинг, шунингдек нодавлат, жамоатчилик ва фуқаролик институтлари билан ҳам таъмин қилинганлигини асосий ҳаётдаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан қўйиштириш учун зарур шарт-шароит яратди.

Ўз навбатида, вакиллик органи сифатида тузилган ҳудудий субъектлар — маҳаллий кенгашилар депутатлари вакиллари-ни тенг миқдорда бириктириш-



қисий Кенгашининг олдинги VIII-й пленумларида кўрсатиб ўтилган вазифаларни, яъни тарғибот-таъшиқот ишларини фаоллаштириш, партия сафларини лойқад, тасодифий шахслардан озод этиб, гайратли, ҳалол, сийбей ва маънавий жиҳатдан етук фуқаролар билан тўлдириш, парламент ва маҳаллий кенгашиларга бўладиган сайловларда депутатликка номзод этиб кўрсатиладиган партия дошлар рўйхатини тузиб чиқиш, партиянинг сайловолди дастурини ишлаб чиқиш, партия Кенгашиларнинг сайловолди тадбирлар режасини тайёрлаш биринчи қадарги вазифалиримиздир.

Кенгайтирилган йиғилиш қатнашчилари иккала масалани ҳам қизгин муҳокама қилишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Айниқса, муҳокама пайтида йиғилиш иштирокчиларида янги тақрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси"га сайлов тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар ва кенгашиларга сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси катта қизиқиш уйғотди. Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адо-

лат" социал-демократик партияси Сийбей Кенгаши аъзолари —"Фармед" хусусий фирмаси раҳбари, Олий Мажлис депутати Дилором Тошмухамедова, Самарқанд вилоят партия Кенгаши иккинчи қотиби Хайдар Исмолов, Тошкент шаҳар Хамза тумани партия Кенгаши биринчи қотиби Тўғрўнкул Даминов, партия Сийбей Кенгаши қотибиди Ешлар Кенгаши раиси Низоиддин Нурматов, партия фаоли Акбархўжа Раҳимов ва бошқалар маърузалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, тақлиф ва мулоҳазаларини ҳам қайд этиб ўтдилар. Фракция аъзолари билдирилган бу фикр-мулоҳазалар асосида Олий Мажлис тегишли қўмиталарга тақлифлар беришга қилишиб олинди. Шунингдек, фракциянинг парламент сессияси кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан ўз нуктаи-назари ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга кенгайтирилган йиғилишда партиянинг долзарб вазифалари тўғрисида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, партия интимиқни қўйиштириш, вилоят партия ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органилар ва ўзини-ўзи бошқариш органилар, маҳаллалар ва жамоат ташкилотлари билан узвий алоқаларини янада мустаҳкамлаш, партия Дастурида катъий белгиллаб қўйилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада қўйиштиришга оид вазифалар атрофида, қизгин қўриб қилинди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рустам АХМАДАЛИЕВ, "Адолат" мухбири.

Суратларда: кенгайтирилган йиғилишдан лавҳалар ва йиғилиш иштирокчиларининг бир гуруҳи.

Қозим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Термиздаги "Истиклол" супермаркетинида кузги ва қишки мавсумга мўлжалланган турли қийим-кечаклар, ҳар хил русумдаги пойабзаллар, мебеллар, кундалик эҳтиёж моллари, озик-овқат маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси очилди.

«ИСТИҚЛОЛ» КЎРГАЗМАСИ

Мазкур кўргазма ташкилотчиларидан бири, Сурхондарё вилояти "Тўштутсавад" сиратиси Тилимовмурод Муров шундай дейди:

Кўргазманинг кулай жиҳати шундаки, фермерлар, тадбиркорлар, савдо ташкилотлари ҳуқуқий қуваватга эга бўлган ҳужжатлар асосида маҳсулот етказиб бериш, сотиб олиш борасида ҳуқуқий шаҳолар билан шартнома туздилар. Бу ерда маҳсулотларнинг сифати қафолатланади, шунингдек, бозор нарҳидан 10 фоиз арзон бўлади. Кўргазмага ҳозирча 250 миллион сўмлик намунавий маҳсулотлар қўйилди. Унинг асосий қисmini "Ўзбекнингласаноат" акциядорлик компаниясининг Бухоро, Тошкент, Қарши, Андижондаги турдош қорхоналари муҳри босилган бежирим, сифати қўйлак, палто, шим, спорт либослари ташкил қилмоқда. Айтиш керакики, Ўзбекистон-Швейцария, Германия ҳамкорлигидаги "Хива-Карпет" қўшма қорхонаси ишлаб чиқарган аксийон тиламлар, Самарқанд чинни заводи маҳсулотлари, "Файзхондиг" компаниясининг энг сўнгги нусхадаги гарнитурлари, "Ўзбеккарпет" тизмини қорхоналари пойабзаллари ҳам кўргазмамаиздан кенг ўрин олди.

"Истиклол" кўргазмасида фаол қатнашадиган Самарқанддаги "Нафис" акциядорлик жамияти вакили Абдулҳамид Исмолов ўз қорхонасида ишлаб чиқарилган чинни буюмлар сурхондарёликларнинг ҳамда жаббонларнинг ҳурсандиқига, Самарқандда ишлаб чиқарилган чинни буюмлар ҳамма сурхондарёликлар қорхонасида зеб бериб қилган.

Шу йил 14-20 апрель кунлари мазкур "Истиклол" супермаркетинида ўтказилган кўргазмада 35 миллион сўмлик шартнома тузилди. Бу галги кўргазмага нафис ва янада миллий тусга эга бўлган "Ургут нафосати", "Гултош" "Ок олтин" сингари чинни буюмлар жамланмалари келтирилди. Бир нарсадан ҳурсандиқига, Самарқандда ишлаб чиқарилган чинни буюмлар ҳамма сурхондарёликлар қорхонасида зеб бериб қилган.

Сурхондарё вилояти "Матлуботсавдо" ҳудудий компанияси раиси Рустам Маъмуровнинг эътирофи эътиҳа, ямарка савдо ҳодимлариға катта имкониятлар очиб бермоқда. Авваллари ўзаро шартнома тузиш учун Тошкент, Урганч ва ёки Самарқандга бориб-қилишга тўри келарди. Эндиликда супермаркетининг узиди ишбилармонлар йетик савдо-сотик шартномаларини имзолашмоқда.

"Туркистон-пресс"

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ИҚБОЛИ КУЛГАН

(Давоми. Боши 1-бетда.)

—Яхши дам, меҳнатга ҳамдам дейдилар, дея сўзини давом эттирди Рустам Холматов. — Эртадан кечгача далада, заводда, фабрикада, мактаб ҳамда ўқув юртида, ҳуллас ўз жойинида ҳалол тер тўксангу, ишдан кейин бирор жойда мириқиб хордиқ чиқаролмасанг ишингда унум бўлармиди? Биз шунинг ҳисобига олиб марказий қўмамининг сайлгоҳга айлантиряймиз. Текис, равон қўчанинг икки четиди турли кафе-лар, қўйоналар, савдо расталари, қўнғилочар ўйинлар жой олади. Ям-яшил йўл бўйларидидаги фавворалар дилларга ҳузур бағишлайди. Одамлар кечкурун бу ерга бола-чақалари билан қелишиб, мириқиб дам олишлари мумкин.

Ҳозир сайлгоҳда ишлар авжида. Баҳодир Хусанов бошлиқ туман автомобил йўллар бошқармаси бунёдкорлари сўнгги тайёргарлик ишларини олиб боришяпти.

Туман дехон бозори ҳам кенгайтирилиб тубдан қайта таъмирланмоқда. Уни замонавий ҳолга келтириш, сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам қўлай шариоитлар яратиш учун 100 миллион сўм ажратилган. Шунинг алоҳида мамнуният билан қайд этиш мумкинки, бу ерда ҳозир битай деб қолган қишки бозор бошқа туман марказлари ичиди ягона ҳисобланади. Энди бозорга келган харидор ҳам, сотувчи ҳам ёгин-сочини қуналарда бемалол ўз эҳтиёжини қондириши мумкин.

Туманнинг "Дўстлик" ширкат ҳўжалигида очилган спорт саройини чинакам қошона деса арзийди. Ушбу соғломлаштириш масканида 10 дан зиёд спорт турлари билан шугулланиш учун барча имкониятлар мўхайб. Бу ердаги спорт анжонларига қўшимча вилоят болалар спорт жамғармаси яна 5 миллион сўмлик инвентар ажратган нур устига аъло нур бўлди.

— Ҳўжалигимизда ёшлар қўпчилигини ташкил этади, — дейди "Дўстлик" ширкат ҳўжалиги раиси Суннатилла Хайдаров. Уларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари таъминлаш эса ҳўжалигимиз рава-

қини, наинки ҳўжалик, балки, Ватан равнақини таъминлаш демакдир. Биз шуларни ўйлаб, ушбу қурилишга 23 миллион сўм ажратдик. Ҳозир спорт саройидан нафақат болалар, балки, катталарнинг ҳам ёғи аримайди. Худо хоҳласа келгусида Ватанимиз доврағини оламга ёйувчи номдор спортчилар қикади ҳўжалигимиздан.

Ҳа, Қуйи Чирчиқ тумани истиклол шарофати ила тобора чирой очиб бормоқда. Туман маркази Дўстободда қурилайтган янги спорт мажмуаси, тобора гўзаллашиб бораётган равон қўчалар, қад ростлаётган қорхоналар, маданият масканлари, хизмат кўрсатиш тармоқлари, шифохоналар, врачлик пунктлари аҳоли узогини яқин, мушқул-лини осон қилиши шубҳасиз.

Биз Қуйи Чирчиқда катта бунёдкорлик ишларини қўрганимизда катта қурилишларга бош бўлаётган туман раҳбарларига, унинг меҳнаткаш, бағри кенг, саховати янги аҳолисиға, она заминни гўзу бўстонга, тўқинлик, масканига айлантириб, янада чирой очиши йўлида тер тўкаётганларга улкан ютуқлар тиладик. Истиклол туфайли истикболи порлоқ туманингизни жаннатмакон дийрга айлантиришда сизга омад ёр бўлсин, дедик.

Каримжон РИХСИЕВ, "Адолат" мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. "Дўстлик" ширкат ҳўжалигида очилган спорт мажмуаси. 2. Янгиланаётган дехон бозори. 3. 8-ўртта умумтаълим мактаби директори Юсуфали Керимкулов (чапдан) туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини Назокат Аноркулова ва туман халқ таълими бўлими мудирини Ориф Воҳидовлар таъмирдан чиқарилган мактабни қўздан кечиршимоқда. 4. Спорт мажмуаси қурилишга ҳомийлик қилган "Дўстлик" ширкат ҳўжалиги раиси Суннатилла Хайдаров. 5. Туман автомобил йўллар бошқармаси бошлиғи Баҳодир Хусанов (ўнгда), бош муҳандис Шукрулло Юсупов ва иш юритувчи Тасилбек Ўриновлар сайлгоҳ қурилишида.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Учқўргон туманидаги 8-ўрта умумтаълим мактабининг собиқ ўқувчилари мактабларини ўқув дарсликларини билан таъминлашда ҳомийлик қилишга қорлаб Наманган вилояти ахлиға мурожаатнома қабул қилганди.

Ҳозирда турли қорхона, ташкилот ва идораларда, фермер ҳўжалиқлари, савдо тармоқларида ишлаётган, хусусий тадбиркорлик билан шугулланаётган собиқ ўқувчилар ушбу хайрли ишда фаол иштирок этишмоқда. Мазкур ташаббус шу кунларда вилоятда кенг ёйилди.

"Намангандонмаҳсулот" компанияти Тўрақўргон туманидаги 19 ва 62-мактабларга ўн миллион сўмлик дарслик олиб берди. Шу тумандаги "Сохилобод" ширкат ҳўжалиги 23-мактабга икки миллион сўмлик дарсликларни ҳамда қўйди. Чўст туманида ҳам бу тадбир кенг қулоч ёйди. Туманда-

ги 55-мактабга тадбиркор Хайдаржон Асатуллаев юз минг сўмлик, 7-мактабга фермер Тўшпулат Тавалқовлар минг сўмлик, 4-мактабга тумандаги "Агрофирма" ҳиссасдорлик жамияти эллик минг сўмлик, 23-мактабга фермер Мирзаанвар Имомов ўттиз саккиз минг сўмлик дарсликлар олиб беришди. Шу йил мактабни битирган ёшлар 27-мактаб кутубхонасиға юз донна бадий адабиётлар тақдим этишди. Вилоятда ҳомийлар томонидан мактабларга дарсликлар олиб бериш қизгин давом этмоқда.

Ҳузуридан доимо миқозлар аримайдиган бу камтар, камсўқум раҳбар билан иш юзасидан танишиб қолганимизға анча бўлди. Ушандан буйн Туйғун қада бир ҳолатини кўпроқ қузатаман: ҳушмуомала, айтган гапининг уддасидан албатта чиқади, узокни қўзлаб иш юртади. Шунинг учунми доимо қабулдила бўлганларда ёрқин таассурот қолдиради. Бу унинг ўзи камол толган оиласи, униб ўсган қишлоғи ва сабоқ олган олийгоҳи, атроф-муҳитидаги одамларнинг яхшилигини шарофатидандир. Бугун Туйғун ақанинг отаси билан онаси айланган дуо-ю, яхши ниятлар ижобат бўлиб, бу қомил фарзанднинг эл-юрт ишиға қамарбаста бўлаётганидан қўпчилик мамнун.

Қабулхонада Туйғун ақанинг ҳузуридан ҳурсанд бўлиб чиқиб келган миқознинг гаплари беихтиёр ҳаёлимизни бўлди.

—Яхши одамнинг ҳар қанча садақаси кетсанг арзийди, — деди у беҳосдан.

—Тинчликми, бугун жуда мамнунсиз, — дея унга юзланиб қувончларини баҳам қўрмоқчи бўлди.

—Чиноз туманидаги "Стома" хусусий фирмасининг раҳбари Саттор Холмирозав бўламан, — дея ўзини таништирди у. — "Пахта Банк" — фаровонлигиниз қалитидир!" деган широр бежиз эмас экан. 2001 йили банк томонидан қорхонамизға уч йил муддатга 12 фоизли 3,5 миллион сўм имтиёзли кредит олган эдик. Шундан кейин ишларимиз қиришиб кетди. Қеракли замонавий, тиббий техника воситаларини сотиб олдик. Битта янги иш жойини ташкил этдик. "Қарз узилар, фойда ёнга қолар", деганларидек, биргина шу йилнинг узиди аҳолиға 835 минг сўмлик тиббий хизмат кўрсатиб, олган соф фойда-мизни 187 минг сўмға етказдик. Эҳ-хё, бизға ўхшаб, банк хизматидан манфаат қўраётганлар қанча? Шуларни ўйлаб, истиклол айёми арафасида жамоани байрам билан табриклаб, миннатдорчилик билдириш учун атайин шаҳарға тушган эдим. Бошқарма бошлиғи айнаи кўнглимиздаги ҳўп ахбойиб раҳбар экан. Бирров қўриб, байрам билан қўтлаб чиқаямман. Бу ердагиларнинг ҳаммалари ҳам меҳнатлари орқали барақа топишсин, илоҳим!...

Саттор ақанинг ортидан қузатиб қолар эканмиз, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри аңглаб, бугун ҳаётини изға солиб олган, яъни, тадбиркорлик билан шугулланиб, унинг чексиз имкониятларидан баҳраманд бўлаётган бу захматкаш инсоннинг гапларидан қўнглимиз тоғдек қўтарилди. Ахир, ҳозирғи унинг ўзи айтгандек банкнинг хизматидан фойдаланиб, барақа толаётганларни ҳақиқатдан ҳам бугун санаб адоғиға етолмайсиз...

—Пахта Банк"нинг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи Туйғун ақа Абдуллаев билан бу галги сўхбатимиз ҳам одатдагидай қисқа бўлди.

—Пахта Банк" — фаровонлигимиз қалити, — деди у. — Бундай дейишимға етарли асос бор. Президент фармонларининг ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижроси борасида "Пахта Банк" томонидан тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий ёрдам бериш, уларнинг банк кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, банклар ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва шерикчилик алоқаларини янада яхшилаш учун қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти ва албатта қўзлаган мақсадларимизға эришяламиз...

Дарҳақиқат, банкларро "Ахборот рейтинг" компаниясининг яқинда эълон қилган иқтисодий таҳлилларига қўра "Пахта Банк" мамлакат банклари ичиди молиявий фаолият жиҳатидан айнаи вақтда иккинчи ўринға чиқиб олди.

Бундай таҳлил ва ҳулосалар банкнинг эртаси янада порлоқ, қадами ҳар жиҳатдан мустаҳкамроқ бўлиб бораётганлигини аңглатади. Шу жиҳатдан қараганда унинг Тошкент вилоят бошқармаси фаолияти ҳам ҳар жиҳатдан ибратли бўлмоқда. Зотан, энг қўли хисобланган мазкур банк вилоятдаги ижтимоий иқтисодий ўсишнинг асосий омилларини белгилламоқда, десак муболаға бўлмайди. Бошқарма ўзининг туманлардаги бўлимлари билан бирга миқозларнинг барча молиявий масалаларини ўз вақтида ҳал этишға эришмоқда. Уларни ҳар жиҳатдан иқтисодий қўллаб-қувватлаб, фаолиятлари ривожини таъминламоқда.

Миқозлар эса ҳеч иккиланмай "Пахта Банк" акцияларини қўллаб харид қилмоқда. Чунки улар сарфлаётган



«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИМИЗ КАЛИТИ

дейди акционерлик тижорат "Пахта Банк"нинг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи Туйғун АБДУЛЛАЕВ

Шунингдек, тадбиркорларға микрокредитлар ажратишға ҳам алоҳида эътибор берилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига қўра жами берилган микрокредитлар ҳажми 1461623 минг сўмини ташкил этди, жумладан, тармоқлар бўйича қуйидагича: қишлоқ ҳўжалиғи — 1213217 минг сўм ёки 83,0 фоиз, саноат — 121329 минг сўм ёки 8,3 фоиз, қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш — 119965 минг сўм ёки 8,2 фоиз ва бошқа соҳаларға — 7112 минг сўм ёки 0,5 фоиз. Ажратилган микрокредитларнинг 493217 минг сўми ёки 33,7 фоизи нақд пулда берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ — 2564-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги "Банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшма чора-тадбирлар тўғрисида"ги 104-сонли ва 2000 йил 19 майдаги "Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорлиқни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшма чора-тадбирлар тўғрисида"ги 195-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, банк фойдасининг 25 фоиз миқдорини ажратиш ҳисобиға "Пахта Банк" тизимида "Ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик ва ўрта қорхоналарини, деҳдон ва фермер ҳўжалиқларини, юқори технология ва инновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш мақсуа жамғармаси" ташкил этилди. 2003 йил 1 июль ҳолатига қўра "Пахта Банк" бўйича мазкур жамғарманинг миқдори 645533 минг сўмини ташкил этди ва ушбу маблағлар имтиёзли фоиз ставкалари асосида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашға йўналтирилди.

Жумладан, шакллантирилган мақсуа жамғарма маблағи ҳисобидан 317 та тадбиркорлик субъектларига жами ажратилган 617517 минг сўм кредитлардан ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришға 77244 минг сўм, қишлоқ ҳўжалиқ мақсулотларини еттиштиришға 483873 минг сўм, қурилиш ва хизмат кўрсатишнинг ривожлантиришға 42400 минг сўм, бошқа мақсадларға 14000 минг сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Мақсуа жамғарма ҳисобидан берилган кредитларнинг 38 фоизи ёки 284601 минг сўми 138 та фермер ҳўжалиқларига тўғри келади. Фермер ҳўжалиқларига ажратилган ушбу кредитларнинг 48,5 фоизи ёки 138191 минг сўми чорвачилиқни ривожлантиришға, 33,4 фоизи ёки 95120 минг сўми қишлоқ ҳўжалиқ техникаси ва эҳтиёт қисмларини сотиб олишға, 12,2 фоизи ёки 34825 минг сўми уруғлик ва қўчат сотиб олишға, 5,8 фоизи ёки 16445 минг сўми иссиқхона ҳўжалигини ривожлантиришға йўнал-

тирилди. Шу билан бирга мазкур жамғарма ҳисобидан берилган 924212 минг сўм имтиёзли кредитларнинг 306695 минг сўми субъектлар томонидан муддатидан олдин қайтарилди. Қолаверса, 2003 йилда бюджетдан ташқари жамғармалар билан банк ўртасида Бош қелишувларнинг тузилиши натижасида, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан "Пахта Банк"нинг жойлардаги банк бўлимлари орқали тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига 2003 йил 1 июль ҳолатига қўра 236 лойиҳа бўйича жами 333767 минг сўм кредит маблағлари ажратилди. Шундан "Бизнес фонд" 88 лойиҳага — 124569 минг сўм, Бандлик жамғармаси 136 лойиҳага — 186707 минг сўм ва ДФХ жамғармаси — 12 лойиҳага — 22491 минг сўм ажратди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли қарорига асосан жами 79 та тадбиркорлик субъектларига 72,9 миллион сўм миқдоридида дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришға кредит маблағлари ажратилди.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўрнатилган режа

Қарор ва ижро

балансининг очкилиги таъминланган, банкнинг ресурс имкониятлари ҳамда шакллантирилган имтиёзли кредитлаш жамғармаси миқдори ҳақидаги маълумотлар тадбиркорлар эътиборига ҳар қуни тақдим қилинмоқда. Вилоят бошқармасида ва ҳар бир банк бўлимида тадбиркорлар учун ишонч телефонлари ўрнатилган, мазкур телефон рақамлари "Тадбиркорлар бурчағи"да эълон қилинган. Ушбу ишонч телефонлари орқали тушган саволлар бўйича тегишли маълумотлар жойиға етказилимоқда.

Банкнинг ресурс базасини ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағ ажратиш имкониятларини инобатга олган ҳолда тадбиркорларнинг кредит сўровномалари банка қабул қилинмоқда ва улар ўз вақтида қўриб чиқилимоқда.

Вилоят "Пахта Банк"и бўйича умумий кредит қўйил-малари 6035,3 миллион сўмини ташкил этган бўлса, шундан кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг улуши 34,2 фоизни ёки 2066,2 миллион сўмини ташкил қилади. Банк томонидан тадбиркорларға берилган кредитлар ўзининг дастлабки самарасини бермоқда. Банк кредитлари ҳисобиға 1157 тадан ортқ янги ишчи ўринлари яратилди, кичик ва ўрта бизнес қорхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди.

"Пахта Банк" томонидан хизмат кўрсатилаётган тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сони сезиларли даражада ортиб бораётти. Хусусан, 2003 йилнинг 1 январига нисбатан жорий йилнинг 1 июль ҳолатига қўра ушбу қўрсаткич 609 тага ўсди. Бугунги кунда "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бўлимлари жами 6128 миқозларға хизмат кўрсатиб келяпти. Шундан 4845 таси тадбиркорлик субъектлари бўлиб, уларнинг 2794 таси деҳдон ва фермер ҳўжалиқларига, 1125 таси хусусий тадбиркорларға, 926 таси кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларига тўғри келади ва уларға ма-лакали хизмат қўрсатилимоқда.

—Ҳар қандай ривожланган иқтисодиётнинг таркиби-ни ташкил этувчи кичик ва ўрта бизнеснинг эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида, улар фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг имкон қадар соддалаштириш керак, — дейди акционерлик тижорат "Пахта Банк"нинг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи Туйғун ақа Абдуллаев бизни қузатиб қолар экан. — Тижорат банклари хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасида ишончли миқозлар дои-расини шакллантиришлари ва уларға молиявий нати-жалар асосида кредитлар беришни йўлга қўйишлари зарур.

Марказий банк томонидан мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ривожланишини билан боғлиқ мавжуд вазият-ни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қисқа вақт ичиди уларға банк хизмати кўрсатишнинг янада яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, кре-дит олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларни расмий-лаштириш тартиби соддалаштирилди. Бу борада кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кредитларға бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришға йўналтирилган микрок-редитлар ажратиш тизими алоҳида диққатға сазовор.

Кичик бизнес субъектларига кредит ажратиш бўйича янги ишлаб чиқилган тартибға қўра, юридик шахс ма-қомиға эга бўлмасдан фаолият кўрсатаётган тадбир-корлар микрокредит олиш учун фақат бизнес режа ва кредитнинг таъминланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни, юридик шахс мақомиға эга бўлган тадбиркорлар эса ушбу ҳужжатларға қўшимча равишда ўзларининг бух-галтерия балансларини қўшиб топширишлари етарли-дир. Шунингдек, ортқича қўғозбозликка йўл қўйма-слик ва ишбилармонларнинг вақтларини тежаш мақсадида кредит ажратиш тўғрисидаги талабномаларини қў



**ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ**
Сафдошларимизни, юртимизнинг барча фуқароларини
энг улуг, энг азиз, энг сеvimли байрам —

**Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 12 йиллиги билан
чин қалбдан муборакбод этади.**



**Айём кунларидаги қувончу
шодиёналар, ўзаро ҳамжиҳатлик,
меҳру оқибат Сизларни асло тарк
этмасин!**

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОРПАРАЦИЯСИ

*Ўзбекистон халқини энг улуг ва энг азиз айём
— "ИСТИҚЛОЛНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ"
байрами билан чин кўнгилдан қутлайди.*




Шу қутлуғ кунлар арафасида сизларга узок умр, бахт-саодат, Ўзбекистонимизнинг равнақи ва гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда, элимиз дастурхонининг баракотли ва тўкин-сочин бўлиши борасидаги сермахсул меҳнатингизда янги-янги зафарлар тилаймиз.

**Муқаддас диёримизнинг шон-шўхрати янада ортаверсин!
Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусоффо бўлсин!**

Озодлик қуёши мангу порласин!

Омборларимиз донга, дастурхонимиз нонга тўлсин!

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

**Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари
ва миждозларини, барча ҳамкасбларини**

**Республикаимиз Мустақиллигининг 12 йиллик байрами билан
сидқидилдан муборакбод этади!**



Сиз азизларга соғлиқ, оилавий бахт ҳамда мамлакатимиз гуллаб-яшнаши йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда омадлар тилаймиз!

"Пахта Банк" — фаровонлигингиз калитидир!

"Пахта Банк" Кенгаши ва Бошқаруви.

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Навбатчи—
Бекзод Нурмаматов Шерали ОТАБОЕВ

Газета ИБМ компьютерида терилди.

Боскишга топширинг вақти—20.00.

факат таҳририй ружусти билан амалга оширилади.
майди ва жавоб берилмайди.